



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 29 декабрь, № 279 (8622)

Жума Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Икки томонлама муносабатлар жадал ривожланаётгани қайд этилди

28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси бир-бирини яқинлашиб келаётгани Янги йил байрами билан дилдан қутлаб, қардош халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилаklarини билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедовга ўзининг самимий саломини ва энг эзгу тилаklarини йўллади.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничлик ва чуқурлашган стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Илгари эришилган, шу жумладан, парламентлараро мулоқот доирасидаги келишувлар ижросининг бориши муҳокама қилинди.

Томонлар барча устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик сезиларли фаоллашганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро савдо ҳамжи ошмоқда — 2023 йил якуни билан товар айирбошлаш 1 миллиард доллардан ортади. Пойтахт Тошкент ва Ашхобод шаҳарларида савдо уйлари очилди, биргаликда "Шовот — Тошовуз" чегараолди савдо зонасини барпо этиш бўйича ишлар давом этмоқда.

Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт соҳаларида янги мамлакат етакчи корхоналарининг кооперацияси кучаймоқда, ҳудудлараро алоқалар кенгаймоқда. Жорий йилда Хукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишлари муваффақиятли ўтказилди.

Қўшма маданий-гуманитар тадбирлар, шу жумладан, Маданият қунари ва ижодий жамоаларнинг сафарлари ўтказилмоқда.

Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди. 2024 йилга мўлжалланган учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

Ў.А.

«FORBES» журнали Ўзбекистонни энг яхши сайёҳлик йўналишлари рўйхатига киритди



Дунёдаги энг оммабоп ва нуфузли иқтисодий нашрлардан бири — АҚШнинг «Forbes» журналида 2024 йилда, албатта, бориб кўриш керак бўлган жаҳондаги аjoyиб сайёҳлик йўналишларига бағишланган мақола босилди.

Биз ва жаҳон

«Forbes» Ўзбекистонни 2024 йилда саёҳат қилиш учун энг яхши йўналишлар рўйхатига киритган.

Яъни журнал ўз ўқувчиларига Ўзбекистонни 2024 йилда таширф буюриш учун энг яхши жойлардан бири сифатида қайд этиб, юртимизга саёҳат қилишни тавсия этмоқда.

Мақолада дунёдаги етакчи «Lonely Planet» сайёҳлик нашри вице-президенти Том Холлинг қўйидаги сўзлар иқтисод ўрнида келтирилган: «Ўзбекистонда Ипак йўлининг энг яхши сақланиб қолган тарихий обидаларини, шунингдек, аjoyиб тоғлар ва истик-

болли пойтахт Тошкентни кўришингиз мумкин».

Бундан ташқари, мақолада мамлакат ҳудудлари бўйлаб саёҳат қилиш учун қулай ва арзон поезд хизматлари йўлга қўйилгани айтилган.

«АҚШдан Ўзбекистонга саёҳат қилувчилар учун Нью-Йорк шаҳридан ҳафтасига бир неча тўридан-тўри авиарейслар йўлга қўйилган. Шунингдек, Сеул ва Истанбул орқали бориш ҳам сайёҳлар учун қулайликлар яратди», дейилади нашрда.

Қайд этиш жоизки, «Forbes» Ўзбекистонни 2022 йилда саёҳат қилиш учун энг яхши 50 та ҳудуд рўйхатига киритган эди.

Эслайтиб ўтамиз, «Forbes» журнали дунёдаги энг нуфузли иқтисодий на-

шрлардан биридир. «Forbes» — АҚШда 900 минг нусхадан ортиқ адади билан «Bloomberg Businessweek» дан кейин иккинчи йирик бизнес журнали ҳисобланади.

Журнал ишбилармонлик оламидаги дадил изланишлари ва воқеаларга объектив баҳо бериши, шунингдек, турли рўйхатлар ва рейтингларни эълон қилиб бориши тўғрисида ҳам эътирофга сазовор бўлган. Журналнинг ҳар бир сонидида компаниялар ва уларнинг ижодкор менежерлари ҳақида 60 дан ортиқ таҳлилий мақолалар чоп этилади. «Forbes»нинг умумий аудиторияси бунун дунё бўйлаб салкам 5 миллион кишини ташкил қилади.

«Дунё» АА. Вашингтон

Сенат қўмитасида

Сурхон воҳасининг туризм салоҳияти қай даражада?

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида «Туризм тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятидаги ижроси ҳолатини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.



Субъектлари фаолиятини мураккаблаштирадиган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Қолаверса, курорт ва рекреацион ҳудудларда хизмат кўрсатиш сифатининг етарли даражада эмаслиги ҳамда муҳандислик-транспорт инфратузилмасининг ривожланмаганлиги ёки паст даражада эканлиги ҳам таъшиилди.

Вилоятда сайёҳларни кенг жалб этиш учун 34,5 километр узунликда йўл қуриш, 14 километрлик йўлни реконструкция қилиш, 1 та кўприк барпо этиш зарурлиги айтилди. Айни чоғда 8 та трансформатор пунктини реконструкция қилиш, оқова сувларни сақлаш ва тозалаш иншоотларини модернизациялаш, сайёҳлик масканларида қўшимча 14 та уяли алоқа базасини ўрнатиш масалалари ҳам долзарб саналади.

Йиғилишда тиббий туризм бўйича ишлатилмаган салоҳиятдан унумли фойдаланиш зарурлигига ҳам ургу берилди. Қолаверса, минтақавий туризм махсусотларини Жанубий Корея, Япония, Хитойнинг истикболли бозорларида зиёрат туризми соҳасида илгари суриш учун алоҳида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокама қилинган якуни бўйича Сенат қўмитаси қарори қабул қилинди ҳамда Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, сайёҳлар учун қулай шарт-шароит яратиш, маҳаллий ва хоржий сайёҳларни жалб этиш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Долзарб қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «яшил» энергетика соҳасидаги йирик қўшма лойиҳаларни ишга туширишга бағишланган тантанали маросимдаги нутқига алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўзбекистонда энергетика тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини кучайтириш бўйича кенг қўламли дастур амалга оширилаётгани, мамлакатимизда умумий қуввати 2,4 гигаваттлик «яшил» электр станциялари ишга туширилгани алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, жамият ҳаётига оид бир қатор долзарб қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Божхона қийматини аниқлаш билан боглиқ нормалар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилмоқда

Мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига божхона тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз-

да тadbirkorлик фаолиятини амалга оширишни энгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиб-таомиллар танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабларига жавоб бермайдиганлари ҳамда бюрократик ғовлар ва тўсиқлар бекор қилинди. Кўрилган чоралар натижасида ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тadbirkorлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга, қонунчиликни халқаро нормаларга, жумладан, Бож-



хона тартиботларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенция (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июндаги ўзгаришлар билан), Жаҳон савдо ташкилотининг Божхона тартиботларини соддалаштириш тўғрисидаги битими ва Жаҳон божхона ташкилоти қондаларига мувофиқлаштириш орқали ташқи савдонини янада либераллаштириш зарурати мавжуд.

Мажлисида қайд этилганидек, Жаҳон савдо ташкилотининг асосий вазифаси — эркин ва шаффоф савдо муносабатларини тартибга солиш ҳамда уни кенгайтириш орқали давлатнинг тараққиётини таъминлаш ва инсонлар турмушини яхшилашга қаратилган.



Қайд этилганидек, вилоятда қонун ижросини самарали таъминлаш, меҳмонхона инфратузилмаси ва хўжалигини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. Хусусан, кейинги беш йилда 170 та янги жойлаштириш объекти ташкил этилган бўлса, 2023 йил 1 ноябрь ҳолатига қўра уларнинг сони 197 тага етди. Айни чоғда 9 та туристик ахборот маркази фаолият юротаётди.

Агар 2017 йилда сайёҳлар 48 та сайёҳлик объектига таширф буюрган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 116 та бўлди. Сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида республика авиакомпаниялари томонидан Тошкент — Термиз — Тошкент йўналиши бўйича ҳар куни парвозлар йўлга қўйилган.

Кейинги бир неча йилларда сайёҳлик масканларига туташ ҳудудларда 60 километрдан ортиқ ички йўллар таъмирланиб, бу мақсадлар учун бюджетдан 23 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Биргина жорий йилнинг ўзида Термиз шаҳри, Шеробод, Бойсун ва Денов туманлари марказларида қатор «сайёҳлик кўчалари» ташкил этилди. Бу йил вилоятга 1,1 миллиондан кўп маҳаллий ҳамда 593 минг хоржий сайёҳ таширф буюрган ва уларга 17,1 миллиард доллардан ортиқ миқдорда хизматлар кўрсатилган.

Тadbirkorлик томонидан тadbirkorлик

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 15 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 20 декабрда маъқулланган

Солиқ юкни исчилик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, шунингдек солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодийни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш ҳамда улар учун тенг рақобат шартларини яратиш мақсадида жадал ислохотлар амалга оширилмоқда, солиқ юкни пасаитириш, шунингдек солиқ ва божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича кенг қўламли чоралар кўрилмақда.

Мазкур Қонунда 2024 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланиб, бунда Президентимизнинг тadbirkorлар билан очиқ мулоқоти доирасида бизнес юртишни соддалаштириш, солиқ юкни камайтириш юзасидан белгилаб берилган топшириқлари, хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ўзини ўзи банд қилган шахсларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш, қўшилган қиймат солиғи заңжирининг узлуксизлигини таъминлаш, табиий бойликлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, мутлақ суммада белгиланган солиқ ставкаларининг қутилаётган инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда индексация қилиниши назарда тутилмоқда. Шу билан бирга ушбу Қонун билан ота-оналарнинг ўз фарзандлари профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиши учун тўловга йўналтирилмаган даромадлари солиқ солишдан озод қилиниши, шунингдек чет давлат автотранспорт воситаларининг мамлакатимиз ҳудудида кирганини ҳамда транзити учун йиғим божхона ҳудудида ҳам тўланиши мумкинлигини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун 2024 йил ва кейинги йиллар учун Давлат бюджетини тайёрлашда назарда тутилган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилади.

(Давоми 2, 3-бетларда).

«ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ» — ОРОЛЬЎЙИДА

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудидида оилавий меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қарамогидан айрилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари учун Президент совғалари топширилмоқда.

Тўхфа

«Президент совғаси» тарихига давлатимиз раҳбарининг болаларга йўланган Янги йил байрами табриги, 17 турдаги ширинликлар, 2 турдаги ўкув куроллари, смарт соат, дарст магнит тахтаси ва 12 ёшдан катталар учун планшет киритилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорчи Кенгеси Раиси Аманбай Оримбаев Тахиятош туманидаги оилавий болалар уйларида таширф буюриб, тарбияланувчиларни Янги йил билан табриқлади, Президент совғаларини тақдим этди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Тахиятош ту-

Файрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).

«ЯШИЛ» ЭНЕРГЕТИКА

— мамлакатимиз тараққиётида муҳим омил

Бугун инсоният янги таҳдидлар олдида турибди. Ер шари аҳолиси муттасил кўпайишида давом этипти, табиий ресурслар захираси эса шиддат билан қисқармоқда. Бу эса дунё мамлакатларини танг аҳволга солиб қўяётди. Шу боис жаҳон бўйича катта куч билан «яшил» энергетика (қайта тикланувчи энергия манбалари) тизимига ўтишга ургу берилмоқда. Бунинг икки муҳим асосий сабаби бор. Аввало, сал илгарироқ айтиб ўтилганидек, дунё микёсида энергия ҳосил қиладиган манбалар тугаб бораётгани бўлса, иккинчи сабаби — атмосферага зарарли чиқинди газлар чиқарилиши ҳисобига ҳавонинг кескин ифлосланиши ва глобал иқлим муаммолари вужудга келаётгани.


Акс садо

Экспертлар вазиятни ўнглаш учун жаҳон иқтисодий-тида «яшил тараққиёт» тамойилини жорий этиш зарурлигини таъкидламоқда. Мазкур ёндашув БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган. Бу борада юртимизда ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида катта ислохотлар олиб борилаётди.

Маълумки, 2019 йилда Ўзбекистон «Яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини қабул қилди. Унда яқин ўн йилда мамлакатда углерод сарфини кескин камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоғида экологик тоза ва ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган.

Тadbirkorлардан маълум бўлишича, Ўзбекистонда углероддор энергия — нефть, газ, кўмирдан фойдаланиш ҳисобига ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг камида 4,5 фоизи йўқотилмоқда. Қолаверса, мамлакатдаги энергия ишлаб чиқарувчи қурилмаларнинг салкам ярми эскирган. Уларни тиклаш ёки модернизациялаш катта маблағ талаб қилади. Бунинг ўрнига ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан самарали бўлган «яшил» энергетикага ўтиш минг чандон афзал. Зеро, бутун дунёда шу йўл танланяпти.

Эътиборлики, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб мазкур ҳаракатга қўшилди. Моҳиятан олиб қараганда, икки йил аввал қабул қилинган «Яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси юртимизнинг «яшил» тараққиёт сари юз бурганлини англатади.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 754-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; № 7–8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда, № 11, 792-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **33-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидagi** «ўзиорар машиналар ва уларнинг тиркамалари» деган сўзлар «ўзиорар машиналар ва уларнинг тиркамалари, пневматик резинали шиналар ва покришқалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «**Чикиндилар тўғрисида**»ги 362-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 40-модда, № 10, 671-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда, № 11, 792-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **23-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

биринчи қисмидаги «ўзиорар машиналар ва уларнинг тиркамалари» деган сўзлар «ўзиорар машиналар ва уларнинг тиркамалари, пневматик резинали шиналар ва покришқалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисм қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Утилизация йиғими:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси томонидан – гилдиракли транспорт воситалари, ўзиорар машиналар ва уларнинг тиркамалари, пневматик резинали шиналар ва покришқалар «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида жойлаштирилганда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси томонидан – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинадиган гилдиракли транспорт воситалари, ўзиорар машиналар ва уларнинг тиркамалари, пневматик резинали шиналар ва покришқалар ишлаб чиқарилганда (йиғилганда, тайёрланганда) ўндирилади»;

учинчи қисмидаги «ўзиорар машиналарнинг ва улар тиркамаларининг» деган сўзлар «ўзиорар машиналарнинг ва улар тиркамаларининг, пневматик резинали шиналар ва покришқаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «ўзиорар машиналар ва уларнинг тиркамалари» деган сўзлар «ўзиорар машиналар ва уларнинг тиркамалари, пневматик резинали шиналар ва покришқалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган УРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекс**и (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 969-модда; 2022 йил, № 2, 75-модда, № 7, 666-модда, № 12, 1190-модда) **327-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тўланishi божхона расмийлаштируви билан боғлиқ бўлмаган божхона йиғимлари божхона органлари томонидан тегишли ҳаракатлар ёки тартиб-таомиллар бажарилишига қадар ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ божхона ҳудудида тўланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган УРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **17-модданиннг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғими, юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган юк автотранспорти воситалари ва тиркамаларининг автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланиши ҳуқуқи учун йиғимни ҳамда алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ушбу Кодекс билан тартибга солинади»;

2) **22-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидagi** «беш» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **84-модданиннг:**

биринчи қисмидаги «беш» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «беш» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **88-модданиннг иккинчи қисмидаги** «беш йилни» деган сўзлар «юч йилни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **100-модданиннг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Юридик шахслар ва яқна тартибдаги тадбиркорлар солиқни ҳисобга олиш жойидаги солиқ органига ёзма, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабарнома юбориб, солиқ аудити натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар суммаларини ва молиявий санкцияларнинг текширув материалларини, шунингдек камерал солиқ текшируви натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар суммаларини қўриб чиқиш натижалари юзасидан солиқ органи томонидан қабул қилинган қарор кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида тенг улушларда тўлашга ҳақли»;

6) **104-модданиннг бешинчи қисмидаги** «беш» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **105-модданиннг биринчи қисмидаги** «беш» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) **138-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Камерал солиқ текширувида қуйидаги солиқ назорати тадбирларини ўтказиш таққиланади, бундан қўшилган қиймат солиғи суммасининг ўрнини қоплаш (қайтариш) мақсадига ўтказиладиган камерал солиқ текшируви мустасно:

- 1) солиқ тўловчининг ҳудудида кириш;
- 2) солиқ тўловчининг ҳудудини ва биноларини қўздан кечиритиш;
- 3) солиқ тўловчидан ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва уни қақиритиш;
- 4) солиқ тўловчининг ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш»;

иккинчи – йиғирма тўртинчи қисмлари тегишичча **учинчи – йиғирма бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

ўн биринчи ва ўн иккинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

ўн учинчи – йиғирма бешинчи қисмлари тегишичча **ўн биринчи – йиғирма учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

9) **194-модданиннг еттинчи қисмидаги** «беш» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

10) **195-модданиннг:**

иккинчи қисмидаги «тўрт» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «тўрт» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) **217-модданиннг биринчи қисмидаги** «беш йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **237-модда биринчи қисмининг 3-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни (хизматларни) реализация қилувчи чет эл юридик шахслари, шунингдек чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар, агар бундай товарларни (хизматларни) реализация қилиш жойи деб Ўзбекистон Республикаси эътироф этилса»;

13) **243-модда биринчи қисмининг 11, 12 ва 13-бандлари** чиқариб ташлансин;

14) **246-модданиннг 11-банди** чиқариб ташлансин;

15) **255-модда учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «чет эл юридик шахслари» деган сўзлар «чет эллик шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **264-модданиннг:**

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

17) **266-модданиннг ўнинчи қисмидаги** «чет эл юридик шахси» деган сўзлар «чет эллик шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **289-модданиннг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тамаки маҳсулотларига нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Тамаки маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкалари	
		импорт қилинганда	ишлаб чиқариладиган
1.	Филтрли, филтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретеқ	325 000 сўм/ 1 000 дона + 10 фоиз	250 700 сўм/ 1 000 дона + 10 фоиз
2.	Сигара	6 400 сўм/1 дона	
3.	Чилим учун тамаки	382 000 сўм/кг*	
4.	Чекиладиган, ўрама тамаки	382 000 сўм/кг	
5.	Чайналадиган, ҳидланадиган ва шимилладиган тамаки	382 000 сўм/кг	
6.	Қиздириладиган тамаки таёқчаси, қиздириладиган тамакии капсула ва таркибда тамаки бўлган ўхшаш тамоийил билан фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлар	382 000 сўм/кг	
7.	Никотинли тамакисиз снюс	154 000 сўм/кг	
8.	Таркибда никотин мавжуд бўлган суюқлик (картрижларда, резервуарларда ва электрон сигаретларда фойдаланиши учун бошқа контейнерларда)**	670 сўм/мл	

*) Белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ чилим учун тамакисиз аралашмани олиб киришда ҳам тўланади.

**) Таркибда никотин мавжуд бўлган суюқликни (никотинни) уни истеъмол қилиш (электрон ва бошқалар) тизимларида олиб киришда солиқ таркибда никотин мавжуд бўлган суюқлик ҳажимдан келиб чиққан ҳолда тўланади»;

19) **289^а-модданиннг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Алкоголь маҳсулотларига нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Алкоголь маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкалари (1 литр учун)		
		импорт қилинганда	ишлаб чиқариладиган	2024 йил 1 январдан
1.	Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфиролъегиди фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг 1 литри учун, бундан 3 ва 4-бандлар мустасно)	70%	14 900 сўм	
2.	Ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари (акциз тўланадиган товар таркибдаги сувсиз этил спиртининг 1 литри учун, бундан 3 ва 4-бандлар мустасно)	101 500 сўм	38 000 сўм	40 000 сўм
3.	Вино: табиий равишда ачитилган табиий винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда)	28 500 сўм	1 сўм	
	бошқа винолар, шу жумладан вермут	40 600 сўм	2 200 сўм	2 310 сўм
4.	Пиво	50%, бироқ 12 200 сўмдан кам бўлмаган	1 550 сўм	1 628 сўм

20) **289^б-модданиннг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Товарлар (хизматлар) номи	Солиқ ставкалари	
		2024 йил 1 январдан	2024 йил 1 апрелдан
1.	Нефть маҳсулотлари:		
	АИ-80 ва ундан юқори бензин	303 000 сўм/тонна	340 000 сўм/тонна
	АИ-91 ва ундан юқори бензин	303 000 сўм/тонна	
	авиакеросин (синтетикдан ташқари)	242 000 сўм/тонна	271 000 сўм/тонна
	дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	291 000 сўм/тонна	326 000 сўм/тонна
	ЭКО дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	262 000 сўм/тонна	293 000 сўм/тонна
	дизель ёқи карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи	412 000 сўм/тонна	461 000 сўм/тонна
2.	Полиэтилен гранулалар		10%
3.	Табиий газ, бундан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган газ мустасно		20%
4.	Яқуний истеъмолчига реализация қилинадиган:		
	АИ-80 ва ундан юқори бензин	1 литр учун 425 сўм/ 1 тонна учун 565 000 сўм	1 литр учун 476 сўм/ 1 тонна учун 633 000 сўм

	АИ-91 ва ундан юқори бензин	1 литр учун 425 сўм/ 1 тонна учун 565 000 сўм	
	дизель ёқилғиси	1 литр учун 425 сўм/ 1 тонна учун 516 000 сўм	1 литр учун 476 сўм/ 1 тонна учун 578 000 сўм
	суюлтирилган газ	1 литр учун 425 сўм/ 1 тонна учун 807 500 сўм	1 литр учун 476 сўм/ 1 тонна учун 904 000 сўм
	сиқилган газ	1 куб метр учун 605 сўм	1 куб метр учун 678 сўм
5.	Мобил алоқа хизматлари		10%
6.	Хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларни оқ шакар		20%
7.	Таркибда шакар ёқи бошқа ширинлаштирувчи ёқи хушбўйлаштирувчи моддалар бўлган, газланган ҳамда истеъмол қадогига қадоқланган ичимликлар (бундан энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликлар мустасно)	—	1 литр учун 500 сўм
	Энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликлар	—	1 литр учун 2 000 сўм

21) **340-модданиннг иккинчи қисмидаги** «беш миллиард» деган сўзлар «ўн миллиард» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **359-модданиннг олтинчи қисмидаги** «беш» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

23) **369-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 9-бандида назарда тутилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида ёқи товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларига ушбу даромадлар солиқ даврида ўн миллион сўмдан ошган кундан эътиборан солиқ Кодекс мақсадда яқна тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солиқ солинади. Бунда ўзини ўзи банд қилган шахслар ижтимоий солиқни ушбу Кодексда белгиланган тартибда тўлайди»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

24) **373-модданиннг 12-бандидаги** «иккинчи қисмининг» деган сўзлар «учинчи қисмининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **376-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидagi** «иккинчи қисмида» деган сўзлар «учинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) **378-модда:**

16-бандининг иккинчи хатбошисидagi «ўзининг, шунингдек йиғирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёқи эрининг (хотинининг)» деган сўзлар «ўзининг, фарзандларининг, шунингдек йиғирма олти ёшга тўлмаган эрининг (хотинининг)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **22 ва 23-бандлар** билан тўлдирилсин:

«22) акциялар оммавий жойлаштирилганда корхоналар ҳодимларининг ўз ойлик иш ҳақидан ва унга тенглаштирилган тўловлардан ошмайдиган, ушбу корхоналар ҳодимларининг акцияларга эгаллик қилиш режаси доирасида акцияларни сотиб олишга йўналтирилган маблағлари;

23) солиқ тўловчилар иш ҳақининг ва бошқа даромадларининг маҳаллий фонд бозорига эмиссия қилинган қимматли қоғозларни сотиб олиш учун шахсий инвестиция ҳисобварағига йўналтириладиган қисми, қуйидаги шартларда:

солиқ даври давомида жами меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг ўзи барабарига бўлган миқдорда;

тўловлар ўсиб бормайдиган тартибда тўланганда ва бир йўла тўланадиган тўловларни шартноманиннг амал қилиш мuddати бошланган кундан эътиборан ўн икки ой ичида қайтариб олмаслик шартли билан. Ушбу банднинг шартлари бузилган ёхуд шартнома мuddатидан олдин бекор қилинган ва пул маблағлари тўлиқ ёки қисман қайтарилган тақдирда, қайтарилмаган маблағларга тўлов манбаида солиқ солиниши лозим»;

27) **383-модданиннг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқни қатъий белгиланган миқдорларда тўловчи солиқ тўловчилар учун солиқ ставкаси қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Фаолият тури	Бир ойлик солиқ ставкалари (сўмда)			
		Тошкент шаҳри	Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар	бошқа шаҳарлар	бошқа аҳоли пунктлари
1.	Чакана савдо:				
	озик-овқат товарлари ва ноозик-овқат товарлари билан	907 500	726 000	363 000	242 000
	деҳқон бозорларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан	302 500	181 500	121 000	60 000
	газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан	302 500	181 500	121 0	

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1, 2-бетларда).

Учинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан жорий солиқ даври учун солиқ ставкалари қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органларига ҳар йили 10 январга қадар тақдим этилади»;

Ун иккинчи қисми «шунингдек қонунчиликда белгиланган солиқ имтиёзлари ва камайтирувчи коэффицентлар мазкур ер участкаларида қурилиш тугалланганига қадар уларга нисбатан татбиқ этилмайди» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

35) 434-модданин иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кўп квартирали уйлар эгаллаган ва кўп квартирали уйлар мулкдорларига умумий фойдаланиш (нотижорат мақсадларда) учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган кўп квартирали уйларга тугаш ер участкалари солиқ солиш объекти бўлмаган, бундан ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида кўрсатилган ер участкалари ва кўп квартирали уйларда жойлашган яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари мустасно»;

36) 437-модданин биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Республика ҳудудлари қисмида базавий солиқ ставкалари 1 кв. м учун мулкка ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади (бундан дехқон ҳўжалигини юритиш учун, шунингдек жисмоний шахсларга берилган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкалари мустасно):»

Table with 2 columns: Республика ҳудудлари, 1 кв. м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда). Rows include Toshkent shahri, Qoraqalpogiston Respublikasi, Andijon viloyati, etc.

Учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан жорий солиқ даври учун солиқ ставкалари қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органларига ҳар йили 10 январга қадар тақдим этилади»;

37) 439-модданин иккинчи қисми «имзо қўйдириб ёки» деган сўзлардан кейин «мавжуд бўлган тақдирда, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон тарзда, солиқ тўловчининг номига расмийлаштирилган уяли телефон рақамига ва солиқ органларининг махсус мобил иловасига СМС-хабарнома тарзида, шунингдек» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

38) 445-модданин биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Белгиланган лимит доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ресурслари учун солиқ ставкалари мулк миқдорда бир куб метр учун қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Table with 4 columns: T/p, Солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объекти, 1 куб. метр учун солиқ ставкаси (сўмда), er usti resurslari, er osti resurslari. Row 1: Iqtisodiyotning barcha tarmoqlaridagi korxonalar...

Table with 3 columns: No, Sanoat korxonalari, 638, 760. Row 2: Elektr stantsiyalari va kommunal xizmat kursatish korxonalari, 101, 123. Row 4: Qishloq hujaligi erlarini sugorish va baliqlarni etishtirish...

39) 447-модданин тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ органлари солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномасини дехқон ҳўжалигига, шунингдек қишлоқ ҳўжалиги ерларига ҳамда тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектларига эга бўлган жисмоний шахсларга имзо қўйдириб ёки, мавжуд бўлган тақдирда, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон тарзда, солиқ тўловчининг номига расмийлаштирилган уяли телефон рақамига ва солиқ органларининг махсус мобил иловасига СМС-хабарнома тарзида, шунингдек тўлов хабарномаси олинганлиги фактини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда солиқ даврдан кейинги йилнинг 1 мартдан кечиктирмай топширади»;

40) 452-модда биринчи қисми: 7-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Table with 3 columns: No, Kon-kimé xom ashési, Mineral pigmentlar, 5,5. Row 2: Iyod, 4,8. Row 3: Minerall tuzlar (toш туз (овқатга ишлатилмайдиган), калий тузи, сульфат тузи), карбонат хом ашёси (оқаштошлар, доломитлар), минерал ўғитлар (глауконит, фосфоритлар ва бошқалар) ҳамда бошқа кон-кимё хом ашёси.

9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Table with 3 columns: No, Noruda qurilish materiallari, Cement ishlab chikarish uchun mulljalangan oqashotosh tashkari cement xom ashési, 5. Row 2: Cement ishlab chikarishga mulljalangan oqashotosh tabiiy bezatoshdan blok-lar, aralanadigan xarsang-toш, xarsangtoш, mar-mar, oqashotosh-chiganoq, oqashotosh (cement va oqashotosh chikarish uchun mulljalangan oqashotoshdan tashkari), dolomitlar, qurilishda ishlatiladigan mayda toshlar, bazalt, granitlar, granodioritlar, granosienitlar, sienitlar, porfirritlar, diya-baz-porfirritlar, gabbro, slanez jinslari, karbonat xom ashési, travertin. Row 3: Gipс toши, gipс va anhidrid, ganч. Row 4: Gipс-черепаца хом ашёси, лёсслар ва лёссимон жинслар, қурилиш қуми, қумтошлар, қум-шағал аралашмаси.

Table with 3 columns: No, Oqashotosh chikarishga mulljalangan oqashotosh, farfor xom ashési, keramzit xom ashési, mergel, argillitlar, vulkon jinslari, pelitli tuфfitlar, mineral tola ishlab chikarish uchun bazalt, diya-baz, glijе, andezitbazalt, temir tarkibli qushimchalar, magnetit-gematitli jinslar va boшqa noruda qurilish materiallari hamda keng tarqalgan foydali qazilmalar. Value: 5.

Изоҳининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин; Учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу модданин биринчи қисмида белгиланган солиқ ставкалари (бундан олтин, қумуш, палладий, мис ва уран учун белгиланган солиқ ставкалари мустасно) 2022 йил 1 январдан кейин қазиб олиш бошланган ер қазри участкасида углеводородларни, қимматбахо, рангли ва радиоактив металлари, нодир элементларни ва нодир ер элементларини қазиб олишни (ақратиб олишни) амалга оширувчи, давлат улуши устун мавқега эга бўлган корхоналарга нисбатан ҳам қўлланилади»;

41) 455-модда қуйидаги мазмундаги 1-банд билан тўлдирилсин:

«1) юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган юк автотранспорти воситалари ва тиркамаларининг автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланиши ҳуқуқи учун йиғим»;

42) 456-модда: қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган юк автотранспорти воситалари ва тиркамаларининг эгалари ушбу воситаларининг автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланиши ҳуқуқи учун йиғимнинг солиқ тўловчилари деб эътироф этилади»;

Иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

43) 457-модданин матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қуйидаги йиғимларнинг солиқ солиш объектидир: чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва унинг ҳудуди орқали транзити; юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган юк автотранспорти воситалари ва тиркамалари».

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи қисмида назарда тутилган солиқ солиш объектига қуйидаги кирмайди:

- 1) карьерлар ҳудудида ишлайдиган оғир юк кўтарувчи автосамосваллар; 2) автокранлар; 3) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирилиги, Мудофаа вазирилиги, Миллий гвардияси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тасарруфидаги автотранспорт воситалари»;

44) 458-модданин матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қуйидаги йиғимларнинг солиқ базаси ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирётганида ёки унинг ҳудуди орқали транзит ўтаётганида – чет давлатларнинг автотранспорти воситалари;

юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган юк автотранспорти воситалари ва тиркамалари»;

45) 460-модда: биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим чет давлатнинг автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирётганда ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида ундирилади»;

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган юк автотранспорти воситалари ва тиркамаларининг автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланиши ҳуқуқи учун йиғим қонунчиликда белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирилиги ва ҳудудий транспорт бошқармалари томонидан ундирилади. Бунда тўланган йиғим юк автотранспорти воситалари ва тиркамаларига автомобиль йўллари бўйлаб бир йил давомида ҳаракатланиши ҳуқуқини беради»;

Иккинчи – олтинчи қисмлари тегишинча учинчи – еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

46) 467-модда учинчи қисмининг: 1-бандидаги «20» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин; 2-бандидаги «30» рақами «34» рақами билан алмаштирилсин; 47) 483-модда:

Йиғирма еттинчи қисмининг биринчи қисмидаги

«2024 йил 31 декабрга» деган сўзлар «2028 йил 31 декабрга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги қирқ иккинчи – қирқ бешинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури»да иштирок этадиган тижорат банкларининг лойиҳалар учун ақратилган банк кредитлари бўйича олинган фойзалар тарзидаги даромадлари фойда солигини ҳисоблаб чиқариш мақсадларида 2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда чегирланидиган ҳаражатлар сифатида эътироф этилади.

«Изданиш ва ривожланиш» марказлари 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда мазкур марказларнинг объектлари ва улар эгаллаган ер участкалари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳамда юридик шахслардан олинандиган ер солиғини ушбу солиқлар бўйича ҳисобланган сумманин 1 фоизи миқдорига, шунингдек ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдорига солиқ ставкаси бўйича тўлайди.

Қимматбахо, рангли ва (ёки) радиоактив металлари, нодир элементларни ҳамда нодир ер элементларини қазиб олувчи ва (ёки) уларни техноген минерал ҳосиллардан (бундан буюн матнда металллар деб юритилади) ақратиб олувчи, шунингдек углеводород хом ашёсини қазиб олувчи юридик шахсларга нисбатан ушбу Кодекснинг XVIII бўлимида назарда тутилган қоидалар 2024 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда татбиқ этилмайди. Мазкур қоида қазиб олиш 2024 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда бўлган ер қазри участкасига нисбатан қўлланилади ва металлари ёки углеводород хом ашёсини қазиб олиш (ақратиб олиш) бўйича фаолиятни амалга оширишнинг бутун даври учун татбиқ этилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга оширилган лойиҳалар доирасида, шунингдек давлат корхоналари ҳамда устив фондига (устав капиталига) давлат улуши 50 фоиз миқдорига ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан инфратузилма лойиҳалари учун халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи (бундан Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштирилган ёки қайта кредитланган халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари мустасно) ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга оширилган лойиҳалар доирасида сотиб олинган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни олиб кириш 2028 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирилиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун 2024 йил 1 январдан эътиборан қучга кирди.

Ушбу Қонуннинг 1 ва 2-моддалари 2024 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонун 4-моддасининг 13, 14, 16, 41 – 44-бандлари ҳамда 45-банди тўртинчи ва бешинчи қисмидаги 2024 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонун 4-моддасининг 27-банди 2024 йил 1 февралдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонун 4-моддаси 26-банди иккинчи қисмидаги қоидалари 2023 йил 1 августдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 4-моддаси 47-банди еттинчи қисмидаги қоидалари 2023 йил 16 ноябрдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ. Toshkent shahri, 2023 йил 28 декабрь. № ЎҒҚ—891

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Қонун лойиҳаси билан товарларни олиб киришда божхона қийматини аниқлашга доир нормалар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилади, товарларни экспорт, реимпорт ва реэкспорт божхона режимидаги жойлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилади.

Қонун лойиҳасида товарларнинг божхона қийматини белгиланиши асосий усули сифатида шартнома баҳоси қатъий белгиланмоқда. Бир вақтнинг ўзида бир нечта божхона тартиб-таомиллари амалга ошириш учун божхона тўловлари тўланишини белгиловчи Бош таъминлов ҳужжатини қўллаш амалиёти киритилмоқда.

Шунингдек, контрафакт маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида божхона органларига қўшимча ҳуқуқлар берилмоқда. Товарлар бўйича экспертиза яқунланмаган бўлса ҳам, ушбу товарларни импортга шартли чиқариб юбориш амалиёти жорий этилаётди.

айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қўриб чиқди.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги халқаро ташкилотларда тўлган ўрни янада яқинлаш ҳамда халқаро ташкилотларга қўйилиши бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, юртимизнинг халқаро савдо қоидаларини бошқариб турувчи ягона ва нуфузли халқаро ташкилот — Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириш ҳамда уни сифатли бажариш энг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Муайян бир давлат Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши учун маълум бир талаб ва шартлар бажарилиши даркор. Бундай шартлардан бири миллий қонунчилик нормалари Жаҳон савдо ташкилотининг битимларида назарда тутилган меъёрлар билан ўзаро мувофиқлаштирилишини таъминлаш бўлиб келмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасига биноан интеллектуал мулк, реклама ва давлат бож билан боғлиқ бўлган қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг тегишли битимларига мувофиқлаштириш назарда тутилган.

Жумладан, интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш жараёнида ортиқча қўғоқозлик ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, давлат хизматларини кўрсатиш жараёнидаги соддалаштириш мақсадида товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш мuddатини ўн кундан бир кунга қисқартириш белгиланмоқда. Бунда объект муайян давлат реестрлари-

да рўйхатга олинган қонуннинг ўзида тегишли гувоҳнома электрон шаклда тасдиқланган ҳолда берилди.

Шу билан бирга, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ўрнатилган давлат бож миқдорини Ўзбекистон Республикаси резидентлари таъсисчилигида ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун белгиланган давлат бож миқдори билан бир хил қилиб белгилаш назарда тутилмоқда.

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИ — АСОСИЙ МАҚСАД

Авал хабар берилганидек, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ўтаётган йилдаги фаолиятини танқидий-таҳлилий қўриб чиққан ҳолда, келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб олмақда.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси томонидан ўтказилган брифингда фракциянинг 2023 йилдаги фаолияти юзасидан ахборот берилди.

Сарҳисоб

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида фракция туризм, мактабга таълим, умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш, ўқитувчи ва тарбиячилар малакасини ошириш, ушбу соҳаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тақомиллаштириш ҳамда таъсирчан парламент назоратини ўрнатишга алоҳида аҳамият қаратган.

Ўз навбатида, бошқа фракциялар билан биргаликда 6 та қонун лойиҳаси бўйича ташаббус қўрсатди. Мазкур қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фуқароларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини тўлақонли фойда этиш, мамлакатимиз сарҳадларини химоя қилишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, жойлардаги ўрганишлар давомида аниқланган муаммо ва камчиликларга қўний ечим топиш, шунингдек, аҳоли томонидан билдирилган тақлифларни инобатга олишга эътибор берилган. Айниқса, қонун лойиҳаларида инсон капиталини ривожлантириш, таълим тизими раванқати учун шарт-шароит яратиш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш қарилган нормаларни акс эттириш масалаларига уруғ берилди.

Брифингда фракция йиғилишларида депутатлар томонидан қонун лойиҳалари муҳокамаларида сайловчилар ҳуқуқи ва манфаатлари бўйича тақлифлар қатъий билдирилгани ва 50 га яқини айрими лойиҳаларни тақомиллаштириш жараёнида инобатга олинганлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда таълим тизимини тақомиллаштириш, мамлакатнинг туризм салҳиятини ошириш борасидаги вазифаларнинг ўз вақтида, самарали бажарилиши юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотини Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитиш юзасидан ташаббус билан чиқиш ҳамда қонун ҳужжатлари ижросини устидан парламент назоратини ўрнатиш бўйича муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Таълим тизимидagi мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал этиш, соҳада олиб борилаётган ислохотлар самардорлигини ошириш, ҳудудлардаги ўрганишлар давомида аниқланган тизимли камчилик ва муаммолар ечимига қаратилган 1 та «Парламент аштирувчи» ва 1 та «Ҳукумат соати» ўтказилди.

Ўтган даврда фракция аъзоларининг сайлов округларидаги фаолияти давомида ўтказилган учрашуларда фуқаролар кўтарган долзарб муаммолар, депутатлар-

нинг ҳудудлардаги ўрганишлари давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига жами 16 та депутат сўрови юборилди.

Қўйилган етаётган йилда фракция томонидан сайловчилар билан доимий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган тизимли муаммоларни аниқлаб, ҳал этишга қўмаклашиш, муносабатлар билан ишлаш, ҳудудларда таълим сифатини яқинлаш ва соҳага доир қонунлар ва давлат дастурларининг ижросини ўрганиш ҳамда мавжуд камчиликларга ҳуқуқий ечим топиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилган.

Ўтган даврда фракция аъзолари номига фуқаролардан келиб тушган жами 2482 та муносабатдан 2439 тасига ижобий ечим топишган бўлса, қолган 43 таси қўриб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, ўтган даврда фракция томонидан қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил йўналишида амалга оширилган ишлар, депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти ҳамда бошқа тадбирлар ҳақида доимий равишда кенг жамоатчилик ахборот бериб борилади. Хусусан, фракциянинг ўтган даврдаги фаолияти оммавий ахборот воситаларида жами 8619 мартаба ёритилди.

Брифингда, шунингдек, «Миллий тикланиш» ДП фракциясининг келгуси йилдаги режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

